

**ОРОЛБҮЙИ МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛЛАРИ**

Кайпназарова Гульшад Хожамуратовна

Қорақалпоқ давлат университети

«Иқтисодиёт» кафедраси асистенти, PhD.

Суюндыкова Айзада Сарсенбаевна

Қорақалпоқ давлат университети

«Туризм» йуналиши 1-курс магистранти

Аннотация: Маколада Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг инновацион йўналишларини такомиллаштиришда ички ва ташки муҳит омилларини ҳисобга олиб ахборот ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари, экотуризм имкониятлари ва экологик менежмент тизимидан фойдаланиш механизмлари буйича маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: туризм, инновация, экология, технология, экотуризм, менежмент, хизмат кўрсатиш, экотизим.

Халқаро майдонда туризм жаҳон иқтисодиётининг энг даромадли соҳаларидан бири ҳисобланади. Туризмнинг муваффақиятли ривожланиши иқтисодий фаолиятнинг транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, меҳмонхона ва ресторон хизматлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби муҳим йўналишларга ижобий таъсир кўрсатади. Туризм хизмат кўрсатишнинг етакчи соҳасидир ва мижозларга хизмат

кўрсатишининг замонавий инновацион шакллари ва технологияларини талаб қиласди.

Туризмда инновацияларнинг жадал ривожланиши 1972 йилда “United States Luggage” компанияси ходими Бернард Дэвид Садоу томонидан филдиракли жомадонлар ихтироси учун патент олиниши билан бошланган ва соҳанинг буткул электронлашуви ҳамда унда сунъий интеллект иштироки фаоллашуви билан давом этаяпти. Қирқ йилча аввал оғир юклар сабаб ўртага чиқсан инновация ва бугунги кашфиётлар моҳиятан бир негизга эга, яъни ҳар қандай инновация муаммо ва унинг ечимини излашга алоқадор бўлади. Бугуннинг энг катта муаммоси – инсонларнинг ниҳоятда қулай ҳаётга интилиши ва доимо бунга халақит берувчи омиллар келиб чиқаверишидир. Масалан, Ер сайёраси ахолиси кўпайиши, турли соҳалардаги мураккаб ривожланишлар “Big Data” – “улкан ахборотлар” масаласини вужудга келтирди. Меҳмонхоналар, аэропортлар ёки туризм бизнесининг бошқа субъектлари бир неча юзлаб, балки минглаб мижозларнинг ахборотларини таҳлил қилиши, уларга самарали хизмат кўрсатиши керак.

Сўнгги йилларда Оролбўйи миңтақасида экологик вазиятни тубдан яхшилаш, миңтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ҳамда аҳоли турмуш тарзи ва даромадларини оширишга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди.

Орол дengизининг қуриб қолган қисмида экотизимни яхшилаш, тадқиқотлар ва инновацияларнинг илғор тажрибаларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи миңтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама

шериклик траст жамғармаси ташкил этилди ҳамда Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси қабул қилинди.

Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришда ахборот ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари, экотуризм имкониятлари ва экологик менежмент тизимидан фойдаланиш механизмлари, қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоқ туристик кластерларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мужассам. Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш бўйича асосий вазифалар қуидагилардан иборат:

- институционал инновацияларни амалга ошириш — барча ҳамкорлар ва манфаатдор томонлар билан самарали ишлаш имкониятини берадиган механизмларни амалиётга татбиқ қилиш;
- технологик инновациялар, шу жумладан, йўналишлар бўйича «драйвер» кластерларни ташкил этиш — дастлаб Қорақалпоғистон Республикасида, сўнгра бутун Оролбўйи минтақасида экотизимларни бошқаришнинг самарали усусларини, айниқса, қишлоқ хўжалигида сувни ва табиий ресурсларни тежовчи самарали янги технологияларни қисқа фурсатда жорий қилиш;
- иқтисодий ва молиявий инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш — технологик инновацияларни рағбатлантириш ҳамда «яшил» иш ўринлари ташкил этиш учун зарур бўлган бозор ва нарх-наво механизмларини шакллантириш;
- инновацион сиёsat ва ҳукуқий инновацияларни татбиқ қилиш — тезкор ва тизимли ўзгаришлар учун қулай муҳит яратиш.

Барча инновациялар биргаликда Оролбўйи минтақасида хатарларни ҳисобга олган ҳолда, «яшил» ва циркуляр иқтисодиётга ҳамда барқарор ривожланишга ўтиш бўйича ёндашувларни белгилайди.

Жаҳон туризм бозорида тобора ортиб бораётган диверсификациялашув ва кучли рақобат шароитлари бир томондан, туристларнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжлари, иккинчи томондан, инновацион қарорлар қабул қилиш ҳамда мақсадлар учун рақобатбардошликтининг янги йўлларини излашни талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам, туристик корхоналарнинг рақобатбардошлиги, янги турмаҳсулотларни (масалан, такомиллашган хизматлар, индивидуаллаштириш, атроф-мухит муаммолари, АКТ(ахборот коммуникация технологиялари) билан ўзаро алоқалар) таклиф қиласиган арzon нархлардаги ва юқори сифатли маҳсулотларга эришишдаги инновацион фаоллигига боғлиқ ҳисобланади. Туристик корхоналарда инновацион сиёsat ва стратегияларни амалга оширилиши бевосита ички ва ташки омиллар таъсирига боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инновацион жараёнларни қайси омиллар тезлаштириши ёки секинлаштиришини билиш муҳим аҳамият касб этади. Туристик корхоналарда хизмат кўрсатиш даражаси, бизнес юритиш учун замонавий шароитларда фаолиятини бошқариш учун инновацион ёндошувлар зарур ҳисобланади.

Туризм соҳасида инновацион фаолият учта йўналишда ривожланади:

1) туризм бизнеси ва туристик корхоналарни бошқарув тизими ва тузилмасининг ривожланиши билан боғлиқ янгиликларни киритиш (ташкилий инновация). Бунда янги техника ва илгор технологиялар асосида

туристик корхонани қайта ташкил қилиш, йириклаштириш ва рақобатчиларни енгиш масалалари назарда тутилади; кадрлар сиёсати (кадрлар таркибини қайта тиклаш ва алмаштириш, малака ошириш тизими, ишчиларни рағбатлантириш ва қайта тайёрлаш); иқтисодий ва молиявий фаолият (корхонанинг барқарор холати ва ривожланишини таъминлайдиган ҳисоб ва ҳисботнинг замонавий шаклларини киритиш);

2) мақсадли истеъмолчилар талабларини ёки белгиланган давр мабойнида қамраб олинмаган мижозларни жалб қилишга имкон берувчи маркетинг инновациялари;

3) туристик маҳсулотнинг истеъмолчилик хусусиятларини ўзгаришига, унинг бозордаги ўрнини ва рақобат устунлиги таъминлашга йўналтирилган даврий янгиликлар (маҳсулдор инновация).

Оролбўй минтақаси туризм индустрисига ахборот ва инновацион технологияларни тадбиқ этиш, экотуризм имкониятлари ва экологик менежмент тизимидан фойдаланиш механизмлари, қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоқ туристик кластерларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари соҳанинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Хулоса сифатида таъкидлаб ўтадиган бўлсак, замонавий инновацион ёндошувлар асосида туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, туризмни оптимал бошқаришнинг ташкилий тизимини яратиш, минтақада туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида ички ва хорижий сармояларни йўналтириш, туризм соҳасига рақамли иқтисодиёт, блокчейн технологияларини қўллаш, туризмни ривожлантиришда халқаро ва маҳаллий лойиҳаларни жорий қилишга қаратилган Оролбўй минтақасига хос бўлган туризмни

ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмларини жорий қилиш Оролбўйи минтақасида туризмни ташкилий-иктисодий йўналишларини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги фармони. www.lex.uz
2. Фаёзов А., «Туризм соҳасидаги янгиликлар». Мутахассис фикри // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2022-йил 5-6 сон.
3. Хуррамов О.К., Рақамли туризм. Дарслик. Бухоро. Садриддин Салим Бухорий, Дурдона. // 2021-йил - 164 б.
4. Матякубов У.Р. Оролбўйи минтақаси туристик корхоналарида инновацион стратегияларни ишлаб чиқишинг иқтисодий механизмлари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали.-Т.-2020.№5,-Б.147-155. (08.00.00 №10).